

## **ПРОФЕССИОНАЛ БУХГАЛТЕРЛАР УЧУН АҲЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Кулибоев Азамат Шоназарович**

*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори в.б.*

*e-mail: [azamatkuliboyev@gmail.com](mailto:azamatkuliboyev@gmail.com)*

**Аннотация.** Ушбу илмий тадқиқот ишида профессионал бухгалтер ахлоқининг моҳияти очиб берилади. Ахлоқни жорий этиш муайян вазиятда муайян хулқ–авторни белгилаб беради, деб таъкидланади. Профессионал бухгалтерлар ахлоқининг пайдо бўлиш тарихи ва халқаро тамойиллари кўриб чиқилган. Ахлоқий муаммолар ҳар кунлик касбий фаолиятда учрайди ва уларни ҳал қилиш учун профессионал хулқ–автор қоидаларини билиш ва амалиётда қўллаш зарур.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, ахлоқий меъёрлар, бош ҳисобчи, бухгалтерия, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтер, касбий ахлоқ, хулқ – автор, тамойиллар.

Бухгалтер касби жамият учун муҳим ҳисобланади, бу эса жамоат манфаатларига хизмат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олишни назарда тутади. Бухгалтерлар касбий ҳамжамиятига нисбатан жамият деганда мижозлар, иш берувчилар, ходимлар, бухгалтерлар касбий уюшмалари, молиявий ҳамжамият, шунингдек, бухгалтерларнинг холислик, мустақиллик ва ҳалоллигига таянадиган бошқа шахслар тушунилади. Бухгалтер жамоат манфаатларига мувофиқ фаолият юритар экан, албатта профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ кодексига риоя қилиш ва унга бўйсуниш мажбуриятини олади. Бугунги кунда касбий ахлоқ масаласи барқарор ривожланишининг ажралмас қисми сифатида муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Касбий ахлоқ – бу муайян касбий фаолиятда ахлоқий меъёрлар ва хулқ–автор қоидаларини ифодаловчи тушунчадир. Кўпчилик ахлоқ кодексига жиддий қарамайди, уни аҳамиятсиз деб ҳисоблайди. Аммо бу кодексига амал қилиш – жамият ва касбий фаолият ўртасидаги муносабатлар, касбга бўлган ишонч масаласидир. Бу, айниқса, мутахассисларнинг ҳаракатлари бошқа инсонларнинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган соҳаларда алоҳида аҳамиятга эга.

Касбий ахлоқ ҳар бир мутахассис фаолиятида зарур бўлган таркибий қисмдир. Касбий бухгалтерлик ахлоқ қоидалари илк бор 1987 йилда АҚШда ишлаб чиқилган. Американинг Бухгалтерлар Ассоциацияси бухгалтер этика кодексини қабул қилган ва у мунтазам равишда янгиланиб борилади. Унинг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат:

- бухгалтер ишни қабул қилишдан олдин, аввалги ходимнинг фаолиятини пухта ўрганиши керак;
- агар олдинги бухгалтер ишдан кетган бўлса, унга ёзма сўров билан мурожаат қилиниши шарт;

- агар дастлабки танишув жараёнида иш берувчи қонунбузарлик қилган ёки қилмоқчи эканлиги маълум бўлса, бухгалтер ишдан бош тортиши лозим;
- бухгалтер раҳбариятдан ўзи нима қилаётганини билиш ва тушунишни талаб қилишга ҳақли эмас;
- бухгалтер ўз манфаати учун лавозим кўтарилишини талаб қила олмайди;
- иш берувчининг фойдасидан бош бухгалтерга улуш ажратиб бўлмайди, яъни бухгалтер ўз ҳисоб–китоблари орқали олинадиган натижалар учун бонус ёки қўшимча ҳақ ололмайди;
- бухгалтер иш берувчига жиноятни қандай амалга ошириш ва уни қандай яширишни маслаҳат бермаслиги керак;
- ҳисботни сохталаштирганлиги учун бухгалтер ва иш берувчи биргаликда жавобгарликка тортилади;
- бухгалтер мунтазам равишда малакасини ошириши шарт.

Ахлоқ кодекси мавжудлиги бухгалтер мақомини мустаҳкамлайди ва иш берувчилар томонидан унинг ишига бўлган талабни оширади.

Профессионал бухгалтерлар обрўли бўлишлари учун жамият ишончини қозониб ҳар доим юқори савияда хизмат кўрсатишлари лозим. Чунки молиявий ахборотлардан фойдаланувчилар профессионал бухгалтерларнинг тижорат фаолиятларининг интизомли ва объектив ахборотларига таяниб иш юритадилар. Жаҳон миқиёсида профессионал бухгалтерлар мана шундай мақсадларга хизмат қиласидиган юқори даражадаги хизматлар кўрсатишга қаратилган ахлоқий қоидаларга риоя қилишлари талаб этилади.


Бундай талабларни ўрнатишни ҳисобга олиб Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси 1998 йилда “Малакали бухгалтерлар кодекси” ни қабул қилди. Бу кодекс бутун дунё бухгалтерларига қўйиладиган талаблар ва қоидалар йигиндиси бўлиб уч қисмдан иборат:

“А” қисм, бунда келтирилган тартиблар барча профессионал бухгалтерлар фаолиятига тадбиқ этилади;

“Б” қисм, бунда келтирилган тартиблар барча амалиётчи профессионал бухгалтерлар фаолиятига тадбиқ этилади;

“С” қисм, бунда келтирилган тартиблар йўлланма профессионал бухгалтерлар фаолиятига тадбиқ этилади.

Ҳар қандай профессионал бухгалтер бухгалтерия касбининг олдига қўйилган мақсадига эришиши учун қуийдаги асосий талабларга риоя қилиши керак (1–расм).



<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган

Юқорида кўрсатилган бухгалтерия қасбига қўйилган талаблар нафақат қасб нуқтаи назардан мақсадга эришишини, балки бухгалтернинг қасбга бўлган садоқатини, билимлилигини ва амалий жиҳатдан тажрибали эканлигини ҳам таъминлади.

Шу талаблардан бири хизмат сифати бўлиб, бунда профессионал бухгалтерлар томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар юқори сифат стандарт талабларига жавоб беришга бўлган ишончи тушунилади.

Бухгалтерия қасбига қўйилган талаблардан яна бири бу ишонч. Бунда профессионал бухгалтерлар хизматидан фойдаланувчиларга шундай хизматлар кўрсатиш асосида ахлоқий қоидаларнинг мавжудлигига ишончи тушунилади.

Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси томонидан барча профессионал бухгалтерлар учун қўйидаги ахлоқий меъёрларни ҳам белгилаб берган (2–расм).

### Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқий меъёрлар

- Виждонлилик
- Холислик
- Юқори малака ва пухталик
- Конфиденциаллик (махфийлик)ни таъминлаш
- Касбга оид хулқ–атвор
- Техник андозалар

### 2–расм. Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқий меъёрлар<sup>2</sup>

Ҳар бир профессионал бухгалтердан ахлоқий қоидаларни билиш ва уларга қатъий риоя қилиб хизмат кўрсатиш талаб этилади.

Шунингдек, бухгалтерлар учун кундалик ахлоқнинг асосий тамойиллари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилар:

- шахсий хулқ–атвортада намуна бўлиш;
- иш жараёнини қасбнинг қадриятлари ва мақсадига мувофиқ амалга ошириш;
- жамият манфаати учун хизмат қилиш;
- ёлғон, алдамчилик ва сохталашибтириш билан боғлиқ ишларда иштирок этмаслик;
- ўз қасбий билим ва амалий тажрибасини такомиллашибтиришга интилиш;
- қасбий бурчни ҳамма нарсадан устун қўйиш;
- қасбий алоқалардан шахсий манфаатлар учун фойдаланмаслик;

<sup>2</sup>Муаллиф томонидан тузилган

– қўлга киритилган маълумотларни махфий сақлаш, инсонга нисбатан ғайриинсоний ва камситувчи ҳаракатларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш.

Ахлоқ кодексида касбий хулқ – авторнинг умумий қоидалари, ахлоқий ва маънавий қадриятлар ифодаланади ва уларни бузишдан ҳимоя қилиш мақсадида ҳамжамият томонидан тан олинади.

Қонунларга риоя қилиш ва касбий ҳалоллик жамият ва бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланиш асосидир. Демак, касбий ахлоқ – бу барқарор ривожланишнинг зарурый шарти бўлиб, у тизимларни узоқ муддат давомида самарали ишлаш ва ривожланиш қобилиятини назарда тутади.

Бухгалтерлар ахлоқи ҳақида кўп гапирилади, аммо малакали, обрўли мутахассисларни етиштириш бўйича кам амалий иш қилинади. Ахлоқий муаммолар бухгалтернинг кундалик фаолиятида доимий равишда юз беради. Уларга муносиб ечим топиш учун касбий хулқ – автор қоидаларини билиш ва уларга қатъий риоя қилишга тайёр бўлиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кодекс этики профессиональных бухгалтеров. Советом Национальной Ассоциации Бухгалтеров и Аудиторов Узбекистана 19 марта 2010 года (протокол № 1) и утвержден на конференции 29 мая 2010 года (протокол № 1).
2. Валебникова Н.В. О кодексе профессиональной этики // Бухучет № 3 – 1997.
3. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. I том. – Т.:ЎзБАМА, 2002. – 220 бет.
4. Toshmamatov N. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. – T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti, 2019. – 376 bet.